











Бойчечак

МАКТУБАНИНГ ОРЗУСИ

Хонандалар, созандалар, актёрлар билан озми-кўпми бўлса-да, суҳбатлашганман. Аммо негадир рақосалар билан суҳбатлашиш, улар тўғрисида ёзиш менга насиб бўлмаган.

Бугун мен суҳбатлашган кизча ҳам рақоса эмас, унинг келгусида санъаткор бўлиш нияти ҳам йўқ. Лекин жуда чиройли ўйнайди, айниқса, «Дилхирож»га, афгон куйларига, ҳинд куйларига ўйнаганда кўзингизга, кўнглингизга эмас, бутун вужудингиз дам олади, уша лаҳзаларда бор ташвишларингиз унутилиб, беихтиёр энг бахтиёр одамга айланасиз.

Мактуба Зоҳидова Андижон вилояти Хўжаобод шаҳридаги «Дўстлик» номли 2-урта мактабнинг учинчи синфидан фақат «4» ва «5» баҳога ўқийди. Ҳали улар ёшга ҳам тулмаган. Ўзбек тилидан ташқари рус тилида ҳам мукаммал гаплаша олади. Келажакда бошқа хорижий тилларни ўрганиши истайди ҳам йўқ эмас. Дадаси — Ойбек ана иқтисодчи, аяси Муътабархон опа эса 17 йилдан буюн Ҳамза номли жамоа хўжалигидаги «Навбахор» болалар бoғчисида мудира бўлиб ишлайди.

Болалар билан суҳбатлашиш — яхши. Улар ёл-



— Мактуба ҳам, қандай гап эса ҳеч қачон одамни мусиқаларни яхши кўрасиз? — Ўзбекча, афғонча, туркча, ҳиндча куйларга, кўшиқларга ўйнашни яхши кўраман.

— Энг яхши кўрган рақосангиз ҳам бордир-а? — Рақосаларнинг ҳаммасини яхши кўраман — Дилфазул Жаборова, Рушана Султонова, Феруза Солиқова... Лекин Малика Аҳмедова ҳаммадан ҳам яхшироқ ўйнаса керак деб ўйлайман.

— Зўр рақоса бўлиши оруз қиласизми? — Йўқ. Мен катта бўлсам врач бўлмоқчиман.

— Нега энди? — Билмадим, врачлар кўпайса, касаллар камайди-да! — Мактуба, мактабда қайси дарсларни жуда яхши кўрасиз? — Математика билан жисмоний тарбия дарсларини.

— Бунинг қайсида нималар қиласиз? — Ам буюрган ишларини қиламан, сув ташийман, гулларга қарайман, синглим билан ўйнайман.

— Китоб ҳам ўқийсизми? — Ўқийману, унчалик кўп эмас.

— Рақсга тушгани қачон ўргангансиз? — Билмадим.

— Сўнгги саволим ноўринлигини кейин аниқлашди. Чиндан ҳам Мактуба ўйнашни қачон ўрганганини қайсида билди.

— Мен Мактубага бошқа савол бермадим. Кўпроқ кўшани, мафтункор рақсларини томоша қилгим келди. У «Дилхирож»га, ҳинд куйларига, Гисс Бойтоевнинг кўшиқларига ўйнади. Аслида кичкинтойларнинг ҳаммаси ҳам чиройли ўйнайди. Уларнинг ўйинларини ҳамisha маза қилиб томоша қиламан.

— Лекин кўнглингизда бошқача оғуш бўлди. Мактубанинг фақат ўзига ўхшаб ўйнаганидир. Унинг ҳаракатлари шунақча кўнглига ҳамоҳанг ва ўзига хос эдики, бундан бемалол Мактубанинг санъатни қанчалар чуқур ҳис қилиши ва тушуниши сезиб олинганга шубҳасиз.

Мактуба айни кунларда ота-онасининг маслаҳати билан Хўжаобод тумани ўқувчилар уйи қошида ташкил этилиб, таълиқ хонанда Замира Зойилжонова раҳбарлик қилаётган ҳа-

наскорлик тўғрисида қатъий қарор қабул қилинган. Одатда, 9—10 ёшли кизчалар (айниқса, уларнинг санъатга сал-пал иштиғи бўлса) сергап ва маҳмадон бўлишади. Лекин менинг суҳбатдошим жуда камгап ва мулоҳазали киз экан. Шунинг учун ҳам у менга жуда-жуда ёқиб қолди. Қаниди, ундаги бу аjoyиб фаёлатлар яна ҳам буй чўзиб барча кизларимизнинг кўнглига кўчса!

— Мен Мактуба билан хайрлашар эканман, беихтиёр бундан ўн йил кейин бўладиган учрашувимизни тасаввур қилдим. Балки ўзбек кизларининг истеъод ва имкониятларини дунёга кўрсатишга олдирган мадҳур рақоса бўлар. Ҳўшимол, ўзи орузлаётгандай, ширин сўз бўлиб етишар. Ким билсин! Энг муҳими, ҳозир унинг вақти беҳуда ўтмайпти, яшайдан аниқ мақсадли бор.

Зотан, гўзаллигини ҳис қилиб яшаш ҳам энг катта бахт!

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА «Туркистон» муҳбири.

Андижон-Ўш

Дўстлик Ришталари

Қирғизистоннинг Ўш вилоятида Ўзбек тилида нашр этиладиган «Ўш садоси» газетаси саҳифаларида «Андижон ва андижонликлар» деб номланган янги руки пайдо бўлди. Мазкур руки остида чоп этилган материалларда кўшн Андижон вилояти меҳнатқилларининг ҳаёти ёритилган.

Махсус саҳифани «Андижоннома» газетаси таҳририяти журналистлари ўзини ҳамкасблари билан биргаликда тайёрлашган. Саҳифа қирғиз ўқувчиларига андижонлик маданияти ва санъат арбоблари, машҳур спортчилар, халқ ҳўжалиги тармоқларининг пешқадам ходимлари тўғрисида ҳикоя қилади. Ижодий жамоа бундан буюн ҳам шундай материалларни чоп этиб туришга аҳд қилган.

Вилоятнинг рус тилида чоп этиладиган газетаси — «Эхо Ош» ижодий жамоаси ҳам ришаларни чоп этиб шу мазмундаги материалларни тайёрлашган. Газета саҳифаларида «Андижанский блокнот», «Телегазета» руқлави остида мунтазам равишда материаллар босилади. «Андижанская правда» газетасининг журналистлари эса Ўш вилояти ҳақида ҳикоя қилувчи материалларни ўз ичига олган «У наших соседей» деб аталган доимий руқини жорий этишган.

(ЎЗА муҳбири).

Газета саҳифаланаётганда:

ЮЛҒИЧЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Қаشقарда ички ишлар бошқармаси матбуот марказидан хабар қилишларича, вилоят савдо тармоқларида харидор ҳақидан урно қолди, ноёб молларни яшириб қўйиш ҳоллари камаймапти. Масалан, Китоб тумани матбуот жамиятига қарашли 127-дўкон сотувчиси Мансур Муҳаммадиев харидор В. Бобоқулдоговга 57 метр газмол ва 9 кило 300 грамм конфет сотиб, 17 минг 250 сўмга «адашиб»ди. Дўкон кўздан кечирилганда, савдога чиқарилмаган 91 минг 400 сўмлик камб мол топилди. Омборхонада эса 2 миллион 420 минг сўмлик маҳсулот яшириб қўйилгани аниқланди.

Қарши туманининг «Аврора» посёлқасида жойлашган Бешкент матбуот жамиятига қарашли 46-аралаш моллар дўкони мудирини Фахриддин Ҳамроев бир донна Хива тиламини 150 минг сўмга қуллаб, харидор ҳақидан 48 минг 902 сўм олиб қолган.

Вилоят ички ишлар бошқармасининг иқтисодий жиниотчиликка қарши кураш бўлими ходимлари бундай юлғичларга нисбатан қаттиқ чора-тадбирлар кўрмоқда.

А. ТАЙАТОВ, ЎЗА муҳбири.

Келгуси сонда:

- БАХШИНИНГ НЕВАРАСИ
● ЕЛҒИЗЛИК ИЗТИРОБИ

3. Ҳозирги ёшлар

СИЗЛАРДАН КЎНГЛИМИЗ ТЎҚ

КУЗГИ ЧАҚИРУВ



Бундан уч-тўрт йил муқаддам, андижон вилоятининг мустақиллиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин бўлмаган кезлар фарзандларини ҳарбийга жўнаётган онахон отахонларнинг қўли дуога, очилганда битта ниёт билдирилган: — Илоҳим, ўзимизга яқин жойда хизмат қилсин!

Энди-чи... Энди минг бора шукурлар қилишимиз керакки, масаланинг бу томондан ҳеч ким безовталанаётгани йўқ. Ҳозир нафақат «ўзимизга яқин жойда», балки тўғрилиб ўтган Ватанимиз — Ўзбекистон тупроғида хизмат қилиш Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин қақирилувчи барча йигитларга насиб этган экан. Яна икки йил эмас — бир ярим йиллигини айтмайсанми?



Куз ҳам охирида, ҳарбийга йигитларни қақириб авж паллага кирди. Тошкент шаҳри ва вилояти ҳарбий комиссарияти қақирув пунктларида хизматга жўнаётганларни кузатиш маросими бўлиб ўтди. Қақирилувчи ёшлар илк бор ҳарбийчасига саф тортишди, илк бор ҳарбий оркестрнинг ўйноқи марш садолари остида қадам ташлашди.

Маросимни Тошкент шаҳар муҳофаи ишлари бошқарма бошлиғи ўринбосари полковник О. Ниёзов очиб, ота-оналарни хотиржамликка қақирди, фарзандларни аввалги ур-урлардан ҳоли бўлган мустақил Ўзбекистон Армиясида хизмат қилаётганларини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг Республика Муҳофаи вазири масъул ходими, полковник Абдусатор Туробов, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марка-

зий Қўмитаси котиби Боймурод Юсупов, ота-оналар ва қақирилувчиларнинг ўзларидан вақиллар сўзга чиқишиб, йигитларимизга оқ йўл ва Ватанга муносиб хизмат қилишда шарафли бурчини мардона ўташлигини истаб қолди.

Митингдан сўнг, «Лаэги» дастасининг яқнахон хонандаси Гулимат Собиров ота-оналарга ва қақирилувчиларга ўзининг аjoyиб кўнглиларини ҳада этди.

Кузги қақирув бошланди. Ҳарбийга жўнаётган йигитларимизга биз ҳам бир-бирига тилан билдирамиз: «ОН БОҒИВ, ОМОН ҚАЙТИНГЛАР!»

Н. МАХМУДОВ, «Туркистон» муҳбири. СУРАТЛАРДА: қақирилувчиларни ҳарбийга қақириб маросимдан лавҳалар. К. УЛМАСОВ тасвирга туширган.

Обуна-94 • Обуна-94

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ» журнали — қаламқашлар минбари

Қўлимизда Ўзбекистон Республикаси ҳамда хорижий мамлакатлар даврий матбуотларининг 1994 йил обуна каталогси. Республика Алоқа вазирлиги, «Ўзбекистон почтаси» концернининг жумҳурият матбуот тарқатиш маркази тайёрлаган рўйхатга кўз югуртирамиз. Унда пойтахтимизда нашр этилган 49 номдаги газета, 76 номдаги журнал индекси, даврийлиги, обуна баҳоси келтирилган.

Ўзбекистон қаламқашларининг минбари — «Ўзбекистон матбуоти» журнали таҳририяти умидбахш ораулар қанотиде келгуси йил режасини ўйламоқда. Журнал таҳририяти ўз муассислари — Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг саъй-ҳаракати билан журналининг обуна баҳосини даврий нашрлар орасида энг арзон қилиб белгиледи. Келгуси йилда икки ойда бир марта чоп этиладиган журналининг бир сони баҳоси — 100 сўм, йиллик обуна баҳоси — 600 сўм.

Ҳар бир нашр сингари «Ўзбекистон матбуоти» журналининг ҳам ўзини хос овози, ўзини хос муқдари яна ва мавзуси бор. Келгуси йилда аниқланган руқлар — «Муҳаррир минбари», «Нашриёт-матбаа ишлари», «Телевидение, радио», «Баҳардот сиймослар», «Фахрийлар — фахрийлар», «Матбуотимиз жомхураклари», «Кўмакдошларимиз», «Сўз ишчи-деҳқон муҳбирларига», «Очинг ва ачинг гаплар», «Ўзбекистон матбуоти» ахборот ойнаси» сингари руқларда мақола, лавҳа, очерк, хат-хабарлар, «Илганиш клуби» саҳифасида шеър, митти ҳикояларни чоп этиш янада кенгайди.

Мамлакатимиз инқилоплари Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, миллий истиқлол мафурасини яратиш соҳасидеги ўзларининг дил сўзларини журнал саҳифаларида баён этишлари. Миллий ахборот воситаларини раивга топтириш, журналист кадрларни, матбуотимиз таниш бўлган муҳбирларини тарбиялаб вояга етказиш сингари муҳим мавзулар ҳам ёритилади.

Жумҳуриятимиз қаламқашларининг хорижий ҳамкасблари билан ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамлана бораётганлиги гоюда қувончларидир, келаси йил журналимиз саҳифаларида «Ўзбекистон — жаҳон нигоҳида» руқини остида мақолалар чоп этилиши кўпайди. Яна бир янгилик «Журналист хориж сафаридан қайтиди» руқини очилди. «Самоний ёлмоалар», «Журналист ён дафтарида», «Бир сураят тарихи» мавзусида ранг-баранг, ўқимли эсдаликларни яратиб мўлажалланаётим.

Аниқ муштарийлар! «Ўзбекистон матбуоти» журнали таҳририятининг маънавий завоғизга маълум: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичimiz қўйилганда: 75323.

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ» ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТИ.

Обуна-94 • Обуна-94

ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС

Дўстлик шаҳар нон маҳсулотлари комбинатидаги айрим кимсалар Тошкент темирйўли бўлими дўстлик бекети бошлиғи Ж. Раҳимов билан келишиб, 70 тоннадан ортиқ биринчи нав унни гаёриқонуний равишда Туркманистонга жўнаётганда кўлга тушибди. Бухоро божхона ходимлари ушлаб қолган 11 миллион сўмликдан зиёд ун мусодара қилинди. Қинғир ишга кўл урганлар кўп миқдорда жарима тўлайдиган бўлди.

Илҳом САФАР,

КУЗ ПАРЧАЛАРИ

ҚАТРА

Иситмаган ёз тахтдан тушди. Шамоолдан тўн кийган куз сариқ саманини учириб келди. У негадир йўли боғроқларга солиди, саманининг тўғиларига майсаларнинг кўзи кўйд, қайтишни кўтиб, юзлари саргайдилар. Учқур куз қўнларини кўнгируқини чалириш учун юзларига саргайган япроқларни босдилар. Катта ариқ ёқасидан мажунтоларнинг сочлари тўкила бошлади. Дарахтлар бир-бирига хайта мушларини тугдилар. Осмон эса бепарво. Чўпон сингари оқ сурувларини ҳайдаб юрибди. Оқ сурувлар болалайди...

ни сезмай турган ёнидаги юмюқ гунача аста шириллади: Кузақ шамоллари эсдилар яна... Хибонлар хувуллаб қолди. Йўлакчалар дарров ёшларнинг изларини соғиндилар. Соғинч ёшларини яшириш учун юзларига саргайган япроқларни босдилар. Катта ариқ ёқасидан мажунтоларнинг сочлари тўкила бошлади. Дарахтлар бир-бирига хайта мушларини тугдилар. Осмон эса бепарво. Чўпон сингари оқ сурувларини ҳайдаб юрибди. Оқ сурувлар болалайди...

маган, аёз урмаган майсалар оғани ифодалади: Сўнги юрагимда тўнгулар қўзаб...



Пўлакка жон кирди. Кимдир келаятди. Уша ошди йигит-ку. Хаёллари қани? Бунча тўзган? Кўзлари нени излайди? Япроқлар яшириб ётган ёр излариними? Йигит кўксиде алангалашиб турган нарса нимадир? Хотирами? Демак у хотира билан ишаб келаятган экан-да. Учқур саманини йўрттирган куз нега унга бепарво ўтиб кетди? Дарахт эмаслигин, япроқлар йўқлигини учунми? Ахир унинг хотира-си ҳам япроқдай саргайиб бўлибди-ку! Сариқ хотира. Ишқилиб япроқдай тўкилиб кетмасин-да... Бирдан йигит кўзлари қақнаб кетди. Таниш жой, хилват. Ленин унда ўша ҳам, ёр ҳам йўқ. Хувиладиган хотирами, қилиб ўша жойга отди. Шунда муъжиза рўй берди. Таниш жойда ёр тиссон кўрди. Илқ чехра қақилди, кўйлади шамолларини кувди. Йигит унга сари чопди. Етолмади, чехра узоқлашиб-узоқлашиб кетаятди. Мезонларга уйқаб кетди. Йигит кўксини чақилди. Саргайган хотира-си унда турар эди. Атрофига муғилла турмушди. Оқлаб кетаятган сариқ саманди Кўзини кўрди. Таниш чехра-

ни кўрди. Сариқ хотира-си бир оғриқ билан тилини айлантирди, қўлларини чўзиб, илтижо учирди:

Келгил, паривашим, келгил жимгина, Келгил самолардан мезонга ўхшаб...

Илтижолар иқобат бўлди. Мезонлар қайтди. Оқ хаёлларни ташлаб кетди. Оқ хаёллар эса тўтиқ бермай, юрак бағирлаб учиб кетдилар, тўзиб кетдилар... Куз саманига қамчи босди, кўнгируқини қаттиқроқ чада бошлади, сафарон япроқлар дув-дув тўкилди.

Куз келиб борарди, дарахтлар эса кичрабди. Унинг кўзи уйлар деразасидан келиб, ям-шиллик бўлиб кетди. Ҳазоли келди. Куз устига от солиди. Қиз эса шамолдан бошқа ҳеч нарса ни сезмади. Гуллар унинг бағридан тўлиб қочмоқчи бўлгани сари маҳкам бағрига босганича кетарди. Гуллар йиғлаб борарди. Шивалеган ёмғир, давдиган шамол, Майда изимзини кетсинлар ювиб... Куз шу кетганча тўхтамади. Саман отида учди. Олдидан... оппоқ пахтазор кўрди. Тўхтади. Ҳақдир оти ҳам оғир сулиб... олди. Куз оппоқ бўлиб ётган пахтазор термулди. Пахтазор қўйида энгилганича гимирлаб оппоқ-оппоқ нарсаларни териб юрган Аёлга кўн тушди. Аёлнинг қиёрасидан мазмун тополмади, қўлларига боқди. қадоқлардан кўнги-киз увушди. Шамоллари қочиб кетди, ёмғирлар тинди. Куз пахтазор қўйидаги Аёлга термулганича доғ қотиб қолди...

бошқа йигитдан ҳам ёниб гул олган эди, бугун эса бошқасидан... Кузнинг хаёлига, сариқ хотира-сига кўмилиб ётган уша йигит келди, ғазаби кўзади. Қиз устига от солиди. Қиз эса шамолдан бошқа ҳеч нарса ни сезмади. Гуллар унинг бағридан тўлиб қочмоқчи бўлгани сари маҳкам бағрига босганича кетарди. Гуллар йиғлаб борарди.

Шивалеган ёмғир, давдиган шамол, Майда изимзини кетсинлар ювиб...

Куз шу кетганча тўхтамади. Саман отида учди. Олдидан... оппоқ пахтазор кўрди. Тўхтади. Ҳақдир оти ҳам оғир сулиб... олди. Куз оппоқ бўлиб ётган пахтазор термулди. Пахтазор қўйида энгилганича гимирлаб оппоқ-оппоқ нарсаларни териб юрган Аёлга кўн тушди. Аёлнинг қиёрасидан мазмун тополмади, қўлларига боқди. қадоқлардан кўнги-киз увушди. Шамоллари қочиб кетди, ёмғирлар тинди. Куз пахтазор қўйидаги Аёлга термулганича доғ қотиб қолди...

Мухлис ЖУРАБЕКОВ.

Бош муҳаррир: Гаффор ҲОТАМОВ.

Таҳрир ҳайъати: М. АБДУСАМОВА, А. АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), З. МАМАДАЛИЕВ, Ж. РАЗЗОҚОВ, К. РАҲИМОВ, З. РИХСНЕВ (масъула котиб), С. РУСТАМОВ, Б. ЮСУПОВ.

Тавсис этилган: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚўМИТАСИ ба «ТУРКИСТОН» ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан «Еш Ленинчи» номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:

хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сийсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, кишлоқ ишлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадий беаъш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:

10001 Тошкент, Матбуотлар бунд 2-й. Нашр кўрсаткичи: 64607

Кўлэмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмади ва таҳлил этилмади.